

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.01.14 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**МАШАРИПОВА ГУЛИСТОН ОМОНТУРДИЕВНА**

**ЁШЛАРДА ГОЯВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА  
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

09.00.05 – Миллий ғоя ва тарғибот технологиялари

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации (PhD) доктора философии по  
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) on  
Philosophical Sciences**

**Машарипова Гулистон Омонтурдиевна**

Ёшларда гоявий иммунитетни шакллантириш ва ривожлантириш  
тенденциялари..... 3

**Машарипова Гулистон Омонтурдиевна**

Тенденции формирования и развития идеологического иммунитета у  
молодежи..... 23

**Masharipova Guliston Omonturdiyevna**

Trends in the formation and development of ideological immunity among young  
people..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати..... 48**

Список опубликованных работ

List of publications

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.01.14 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**МАШАРИПОВА ГУЛИСТОН ОМОНТУРДИЕВНА**

**ЁШЛАРДА ГОЯВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА  
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

09.00.05 – Миллий ғоя ва тарғибот технологиялари

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В1020.А.PhD/Фа1526 рақамли билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент Архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fs-ik.uz](http://www.fs-ik.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Назаров Насриддин Атакулович  
фалсафа фанлари доктори, сиёсий фанлар доктори

**Расмий раъоятчилар:** Тўйчиев Бердикул Тўйчиевич  
фалсафа фанлари доктори, профессор

Абилов Урол Муродович  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Этапчи ташкилот:** Тошкент давлат иқтисодийёт университети

Диссертация химояси Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги Sc.03/30.12.2019.F.01.14 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 14 декабрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри: Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий-гуманитар фанлар факультети, 5-қават, 117-хона). Тел: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24, e-mail: [paucka@puu.uz](mailto:paucka@puu.uz) Ўзбекистон миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон миллий университетининг Ахборот-Ресурс марказида таъиниш мумкин (15 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел: (99871) 246-02-04

Диссертация автореферати 2021 йил «14» декабрь куни тарқатилди.  
(2021 йил «   » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реєстр баённомаси.)

**Н.Шермухамедова**

Илмий кенгаш берувчи илмий кенгаш  
фанлари доктори, профессор

**О.Мухаммадиева**

Илмий кенгаш берувчи илмий кенгаш  
фанлари номзоди, доцент

**Ж.Мавлонов**

Илмий кенгаш берувчи илмий кенгаш  
фанлари доктори (DSc)



*(Handwritten signatures in blue ink)*

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда рақамли технологиялар жамият ҳаётининг фаровонлигини таъминлаш омили сифатида ривожланиши билан бир қаторда ижтимоий тармоқларда ёшлар дунёқарашига таъсир этувчи кибертерроризм, кибер зўравонлик, диний экстремистик руҳдаги тажовузларда намоён бўлмоқда. Тинчликпарвар давлатларда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш, улар дунёқарашида миллий гуруҳ, миллий ўз-ўзини англаш туйғусини такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Бироқ баъзи давлатларда бир гуруҳ сиёсий кучларнинг ёшлар онгига бузгунчи гоёларни сингдириш, уларда оммавий маданиятнинг турли кўринишларига мойиллигини шакллантириш бўйича тарғибот ишлари авж олмақда. Шу боис ҳозирги даврда ёшларда ўзи мансуб давлатнинг сиёсатини қўллаб қувватлаш, ҳар қандай мафкуравий тазйиқларга қарши гоёвий иммунитетини шакллантиришнинг тарғибот технологияларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказларида ёшларнинг ижтимоий онгида давлат ва жамият қурилишининг фаол иштирокчиси бўлиш, мақсадли фаолиятни ташкил этиш, гоёвий хуружларга қарши иммунитетни шакллантириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ёшларни иш билан таъминлаш, дам олишини тизимли ташкил этиш, уларнинг характериға таъсир этувчи микро ва мегамуҳитнинг таъсир даражасини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар илмий тадқиқот ишлари натижаларининг амалиётга жорий этилиши бўйича тизимли фаолият ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон ёшларининг жамият тараққиётида фаол иштирокини таъминлаш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб қувватлаш, ёш тадбиркор, ёш муҳандис, ёш мутахассисларнинг янги авлодини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларда сиёсий маданиятни шакллантириш учун “Ёшлар парламенти” ташкил этилиб, уларнинг келажакда сиёсий ҳушёр, ўз фаолиятининг оқибатларини прогнозлаштирувчи авлод сифатида тарбияланиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Айни пайтда “Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби таҳдидлар қанча-қанча оилалар, мамлакатлар бошига оғир кулфатлар олиб келмоқда, гаразли кучлар ҳали онгу тафаккури тўла шаклланиб улгурмаган болаларни ўз ота-онаси, ватанига қарши қўйиб, уларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда”<sup>1</sup>. Шу боис янги Ўзбекистонда ёшлар онгида жаҳолатга қарши маърифат йўли билан курашишнинг янги методологик ёндашувларини шакллантириш, уларда гоёвий иммунитетни шакллантириб, ватан равақига муносиб ҳисса қўша

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Том 2. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 496.

оладиган, ҳар қандай гоъвий таҳдидга қарши юқори даражадаги мафкуравий иммунитетни билан жавоб бера оладиган янги авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106 сонли, 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5046-сонли Фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли Қарори, 2019 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий гоъни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5465-сонли Фармойиши ҳамда ушбу соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертацияда илгари сурилган концептуал гоълар маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион гоълар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган янги авлодни тарбиялашни тизимли ташкил этиш асосланган. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ўз маърузалари ва асарларида ёшларнинг ижтимоий маъсулиятини ошириш, уларга имтиёзлар бериш ва ўз иқтидорини намоён қилиш учун шароит яратиш ҳақидаги гоъларни илгари сурган ва ушбу жараённинг ижросини таъминлаш бўйича тизимли фаолият олиб борилмоқда.

Тарихий тараққиётнинг барча даврларида ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, “Авесто” китобида ёшларни оила қуришга тайёрлаш, уларга ҳунар ўргатишнинг зарурати очиб берилган. Бундан ташқари асарда тарбияга муҳтож ёшларни қопга солиб 25 дарра уриш тавсия этилган. Конфуцийнинг таълимоти бўйича ёшлар тарбиясининг бош омили қонунга итоаткорликдир. Юнон файласуфи Платоннинг Критей диалогидаги

“Атлантида” афсонасида ёшларга ижтимоий муҳитнинг таъсири очиб берилган. Сократ жамиятнинг энг катта муаммоси ёшлар тарбияси бўлиб, уларни тўғри йўлга бошлаш ёки уларни тўғри йўлдан адаштириш катталар зиммасидадир, деб таъкидлаган. Аристотелнинг “Ахлоқи кабир” асарида ёшларда юксак ахлоқийликни тарбиялаш орқали жамият ривожининг давомийлиги таъминланиши асосланган.

Юсуф Хос Хожибнинг “Кутадгу билиг” асарида ёшлар тарбиясининг йўналишлари, А.Фитратнинг “Рахбари нажот” асарида ёшларнинг бахтли ва бахтсиз бўлишига таъсир этувчи омиллар, А.Авлонийнинг “Маданият тўлқинлари” мақоласида ёшлар маданиятини шакллантириш мезонлари, М.Бехбудийнинг “Ёшларга мурожаат” мақоласида дунёвий ва диний билимларни ўзлаштиришнинг аҳамияти очиб берилган.

Хориж олимларидан М.Шелер ёшлар онгига сиёсий жараёнларнинг таъсири, С.Патанжали тафаккур тўлқинларининг роли, Э.Тоффлер цивилизациялар алмашинувининг ўрнини очиб берганлар.

МДХ олимлари А.Кузнецов, Р.Логуа, С.Першуткин гоёнинг ижтимоий аҳамияти, ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг мафкуравий жиҳатларини асослашга оид илмий тадқиқот олиб борганлар.

Ўзбекистонда миллий гоёнинг ёшлар тафаккурига таъсири, унинг миллат маънавий эҳтиёжига жавоб берувчи янги усулларини аниқлаш бўйича тизимли илмий тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, файласуф олимлар Ў.Абиллов, Г.Туленова, З.Қодирова, С.Мамашокиров, И.Саифназаров, О.Мусаев, А.Очилдиев, Э.Юсупов, Ж.Яхшиликков ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг маънавий хавфсизлиги ва мақсадли фаолиятини ташкил этиш, хориж тилларини ўрганишнинг аҳамиятини, сиёсатшунос олимлар Н.Жўраев, С.Атамуротов, Ш.Пахрутдинов, И.Эргашев, Қ.Қуронбоев ижтимоий барқарорлик ва беқарорлик, глобаллашув жараёнларининг ёшлар онгига таъсирини, педагог олимлар А.Дўланов, М.Қурононов, М.Лафасов, З.Мадалиева педагогик тарбия ва таълим тизими ислохотларининг ёшлар дунёқарашини шакллантиришдаги ролини очиб берганлар<sup>2</sup>.

Тадқиқот мавзусига оид адабиётларнинг таҳлилида ёшлар ижтимоий тараққиётнинг барча босқичларида ижтимоий онгнинг муҳим таркибий қисми сифатида ривожланганлиги аниқланди, бироқ ушбу илмий изланишларда ёшларда гоёвий иммунитетни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмаганлиги боис ушбу илмий ишда, ёшлар дунёқарашида гоёвий иммунитетни шакллантиришнинг тенденцияларини аниқлаш мақсади кўйилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент архитектура-қурилиш институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Фуқаролик жамиятини

---

<sup>2</sup> Барча иқтибослар адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларнинг йўналишлари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ёшларда гоёвий иммунитетни шакллантириш ва ривожлантириш тенденцияларини аниқлаш, янги Ўзбекистонда ёшлар дунёқарашида ижтимоий жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантиришга таъсир этувчи тарғибот технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ёшларда гоёвий иммунитетни ривожлантирувчи тенденцияларнинг ижтимоий аҳамияти ва гоёвий иммунитетни шакллантиришда микро ва мегамухитнинг ролини очиб бериш;

ёшлар дунёқарашидаги ўзгарувчанлик ижтимоий жараёнлардаги барқарорлик ва беқарорлик билан боғлиқлигини асослаш;

янги Ўзбекистонда танқидий фикрлаш, ўз фаолиятининг мақсадини аниқлашга қодир ёшларни тарбиялаш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатининг йўналишларини очиб бериш;

ёшларнинг жаҳолатга қарши маърифат билан курашини такомиллаштириш бўйича янги тарғибот технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот объекти** сифатида Ўзбекистондаги мафкуравий тарғибот ва ижтимоий тараққиёт жараёнлари олинган.

**Тадқиқот предмети**ни ёшларда гоёвий иммунитетни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича тарғибот технологияларининг йўналишлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик, тизимли ёндашув тамойиллари, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, ижтимоий сўров методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жамият тараққиётидаги ижтимоий, тарихий, маданий омиллар (ёшлар фаоллигини ошириш, беш муҳим ташаббус, тарихий онгни юксалтириш)нинг ёшларда гоёвий иммунитетни шакллантириш, уларнинг ижтимоий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлаш ва мустақил фаолиятини ташкил этиш механизми эканлигининг фалсафий жиҳатлари очиб берилган;

янги Ўзбекистондаги таълим ва тарбия жараёнларидаги ислохотларда хориж тажрибасини танқидий ўрганиш ва ундан фойдаланишнинг ёшлар дунёқарашида мустақил таълим олиш ва мустақил фикрлаш технологияси сифатида амал қилиши очиб берилган;

таълим жараёнида ёшлар касбий маҳоратини оширишда янги таълим технологияларидан фойдаланиш билим, малака, кўникма ва амалиёт мутаносиблигига эришиш мезони эканлиги асосланган;

ижтимоий тармоқлардаги кибер зўравонлик, кибертерроризм таъсирига тушган ёшларни аниқлашнинг ижтимоий аҳамияти ва уларни тушқунлик ҳолатидан чиқишига эришиш учун иш билан таъминлашнинг зарурати очиб



берилган, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш бўйича янги тарғибот технологиялари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш тарғибот технологияларини такомиллаштиришнинг янги авлод дунёқарашида юксак ватанпарварлик, миллий ўз-ўзини англаш, меҳнатга лаёқат ва эртанги кунга ишонч руҳини тарбиялаш механизми эканлиги очиқ берилган;

Янги Ўзбекистон ёшларига имтиёзлар яратиш, инклюзив таълимни ривожлантириш, кам таъминланган оила фарзандларига имтиёзли кредитлар ажратиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш мафкуравий иммунитетни шакллантириш омили эканлиги асосланган, уни такомиллаштириш бўйича янги технологиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолаларда, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани ҳақида олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган таклифлардан ёшларда миллий гуруҳ туйғусини шакллантириш, меҳнат қилиш, бир умр узлуксиз таълим олишни ташкил этишга оид илмий тадқиқот ишларида, мафкуравий иммунитетни шакллантириш бўйича мақолалар тайёрлашда ва конференциялардаги маърузаларда, илмий лойиҳалар ва монографиялар ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундаги хулосалар, таклиф, тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг вилоят ва туман бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимидаги “Тарбия” фани, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимидаги “Фалсафа” фани ва Миллий гоё, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бакалавр таълим йўналиши ўқув режасидаги фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ёшларда гоёвий иммунитетни шакллантириш ва ривожлантириш тенденциялари мавзусида олиб борилган илмий тадқиқот натижалари:

жамиyat тараққиётидаги ижтимоий, тарихий, маданий омилларнинг ёшларда гоёвий иммунитетни шакллантириш, уларнинг ижтимоий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлаш ва мустақил фаолиятини ташкил этиш механизми эканлигига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг илмий ва амалий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2021 йил 8 июндаги 14-07-1141-сон

маълумотномаси). Натижалар Қўмита ҳузурида фаолият олиб бораётган миллий маданий марказларнинг бошқа миллат ёшларининг дунёқарашида Ўзбекистондаги ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантириш, “Ўзбекистон умумий уйимиз” шиори остида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

янги Ўзбекистондаги таълим ва тарбия жараёнларидаги ислохотларда хориж тажрибасини танқидий ўрганиш ва ундан фойдаланишнинг ёшлар дунёқарашида мустақил таълим олиш ва мустақил фикрлаш технологияси сифатида амал қилишига оид илмий-амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги тарғибий-тарбиявий фаолиятини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2021 йил 18 майдаги 01-12-01-2479 сонли маълумотномаси). Натижалар Маданият вазирлигига тегишли олий таълим муассасалари талабаларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ўз фаолиятининг оқибатларига нисбатан хушёрлигини оширишга хизмат қилган;

таълим жараёнида ёшлар касбий маҳоратини оширишда янги таълим технологияларидан фойдаланиш уларда билим, малака, кўникма ва амалиёт мутаносиблигига эришиш мезони эканлиги бўйича тавсия ва хулосалардан Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тарғибот ишларини йўлга қўйишда фойдаланилган (Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 9 июндаги 81-сон маълумотномаси). Натижалар партиянинг ёшлар қаноти фаолларининг “Хизмат беминнат” акциясини ташкил этиш, фаолиятининг гоёвий жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қилган;

ижтимоий тармоқлардаги кибер зўравонлик, кибертерроризм таъсирига тушган ёшларни аниқлашнинг ижтимоий аҳамияти ва уларни тушқунлик ҳолатидан чиқиш учун иш билан таъминлашнинг заруратини асослашга йўналган янги тарғибот технологияларидан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг 2021 йилга мўлжалланган фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича иш режасининг ижросида кенг фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2021 йил 31 майдаги 02/02-229-сонли Далолатномаси). Натижалар партия электоратининг аҳоли турли қатламлари билан ишлаш технологиясини такомиллаштиришга, ёшларда гоёвий иммунитетни юксалтиришга йўналтирилган тарғибот технологияларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия

этилган илмий журналларда 6 та илмий мақола (4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, тўққиз параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, унинг умумий ҳажми 142 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишларнинг сони, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми асосланган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ёшлар ва уларда ғоявий иммунитетни ривожлантиришнинг фалсафий жиҳатлари”** деб номланган бўлиб, унда ёшлар ва ғоявий иммунитетни умумназарий жиҳатлари очиб берилган.

Ижтимоий-демографик қатлам сифатида жамиятнинг социал тизимида ёшлар алоҳида ўринга эга бўлиб, республикада аҳолисининг тўртдан бирини ўн олти ёшдан ўттиз ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ўзбекистон каби аҳоли сонида ёшларнинг салмоғи юқори бўлган давлатларда ушбу гуруҳни атрофлича ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. “Статистик маълумотларга қараганда, аҳолининг тўртдан бирини (ижтимоий фаол ёшдаги (16-30) ёшлар ташкил қилади”<sup>3</sup>. Ушбу жиҳатлар муаммони тадқиқ этишнинг долзарблигини билдирувчи омил бўлиб, жамиятнинг ижтимоий тизимида ёшларнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Ижтимоий тараққиёт натижасида фан ривожланиб инсоният манфаатига хизмат қила бошлаган даврдан буён тараққиёт ривожига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш зарурий моҳият касб эта борди. Ёшлар тўғрисида ҳам кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилиб, турфа қарашлар илгари сурилган. “Ёшлар ... ижтимоий етуклик, ижтимоийлаштириш (яъни жамиятнинг социал-иқтисодий ва маънавий тузилмасига тўлақонли кириб бориш) даврини бошидан кечираётган ижтимоий-демографик гуруҳдир”<sup>4</sup>. Ёш хусусиятлари бўйича ёшлар тушунчасига эътибор қаратиш масаласига биз турлича ёндашишга ҳаракат қилдик. Олимлар фанда тадқиқот объекти сифатида ўн олти ёшдан ўттиз ёшгача бўлган ёшларни олиш мақсадга

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Бўриева З., Иброҳимов А. Ёшларнинг демографик ҳолати ва оила // Ижтимоий фикр. – Тошкент, 1998. – № 2. – Б. 129.

<sup>4</sup> Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж., Алимасов В.А., Каримова Э.Г., Мадаева Ш.О. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2006. – Б. 6.

мувофиқ эканлигини илгари сурадилар<sup>5</sup>. Яъни ўн олти ёшдан бошлаб ёшларда ижтимоий-маънавий ва ҳуқуқий масъуллик ҳислари ривожланиб, Ватан ва халқ тақдири, келажаги учун масъулият ошади. Бунда жисмоний омиллар билан бир қаторда ҳуқуқий-маънавий омиллар ҳам етакчи ўринга чиқади. Яъни ўн олти ёшдан бошлаб ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси паспортини олиши уларнинг шахсий идентификациясида муҳим жиҳат бўлиши билан бир қаторда, ёшларда ижтимоий-сиёсий масъуллик ҳиссини ҳам ривожлантиради.

Ёшларда гоёвий иммунитетни ривожлантириш бугунги глобал тараккиёт шароитида муҳим бўлиб, эҳтимол тутилган гоёвий таҳдид ва хуружлар ушбу хусусиятнинг устуворлиги орқали бартараф этилади. Маълумки, гоё муайян мақсадлар ҳосиласи сифатида жамият аъзолари фаолиятини йўналтирувчи маънавий-руҳий кучдир.

Гоёвий иммунитетга илмий-назарий адабиётларда қуйидагича таъриф берилган: “Мафкуравий иммунитет – (лотинча “Immunitatus” – бирор нарсадан озод этиш) – шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли гоёвий таъсирлардан ҳимоялашга хизмат қилувчи тизим”<sup>6</sup>. Демак, шахсий иммунитет муайян киши руҳиятидаги барқарор маънавий-ахлоқий ҳолат, кўриниш бўлса, гап гоёвий ёки мафкуравий иммунитет ҳақида кетганда, у жамият аъзолари, жумладан, ёшлар ички оламига хос бўлган маънавий-ахлоқий қадриятлар мажмуи сифатида тизимий моҳият касб этади. Шунингдек, “Мафкуравий иммунитет тизими маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реакцион, бузгунчи характердаги гоёвий тажовузларга бардош бера оладиган ёшларни тарбиялашда қўл келади”<sup>7</sup>. Демак, мафкуравий иммунитет ва тарбия ўзаро алоқадор бўлган тушунча сифатида бир-бирини тақозо этади. Яъни тарбия туфайли инсон шахс сифатида камол топиб, унда иммунитет шаклланиб, маънавий-ахлоқий омиллар таъсири натижасида ривожланиб борса, ўз навбатида, иммунитет шахснинг баркамоллигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Бугунги кунда ёшлар тарбиясига таҳдид сифатида намоён бўлишга уринаётган агрессив миллатчилик, диний экстремизм, фундаментализм, терроризм, наркотик моддалар айланиши, турли эпидемиялар (жумладан, COVID-19) ёшларнинг жисмоний ва маънавий баркамоллигига, қолаверса, жамиятдаги ижтимоий тараккиётнинг ривожига ҳам салбий моҳият касб этмоқда.

Диний экстремизм, фундаментализм ва терроризмдек ёшлар маънавий-ахлоқий камолотига зарарли бўлган оқимларнинг фаолияти учун шарт-шароит ва моддий имконият яратишда асосий роль ўйнаётган айрим

---

<sup>5</sup> Қаранг: Қодирова З.Р. Проблемы повышения социальной активности молодежи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1999. – С. 4; Лисовский В.Т. Социология молодежи. – Санкт-Петербург, 1996. – С. 32; Сапелкин Е.П. Социальный статус молодежи. – Минск: Технопринт, 2002. – С. 10.

<sup>6</sup> Миллий гоё: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. – Тошкент, Академия, 2007. – Б. 191.

<sup>7</sup> Фалсафа комусий лугати. Тузувчи ва масъул муҳаррир: ф.ф.д. Қ.Назаров. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 160.

террорчи ташкилотларнинг молиявий кўмаги, наркотик моддалар савдоси ва курол обороти демократик тараққиёт душманларининг жирканч қилмишлари учун асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай зарарли омилларнинг таъсири фундаменталистик гоялар тарғиби ва наркотик моддалар обороти учун йўлак сифатида фойдаланиш масалаларида турли экстремистик гуруҳлар манфаатлари тўқнашаётган бизнинг ҳудудимизга ҳам алоқадорки, бундай таҳдидлар бугунги умумпланетар глобаллашув ҳамда унинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда, салбий жиҳатлари ҳам кўриниш бераётган бир шароитда ёшлар ахлоқига салбий таъсир этувчи омиллардир. Шу боисдан “...ёшларимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан бақувват бўлишини таъминлашимиз учун, аввало, уларни юксак даражадаги маънавият, маърифат йўли билангина ўтиш даврининг салбий ҳолатларидан асрашимиз ва жамият учун муносиб кишиларга айлантиришимиз мумкин”<sup>8</sup>.

2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш” йили сифатида эълон қилиниши жамиятимизнинг етакчи қатлами бўлган ёшларга давлат сиёсати даражасида аҳамият берилиб, ижтимоий ҳаётда улар фаолиятининг самарадорлигини янада таъминлаш мақсадида қилинаётган савобли тадбирдир. Жамият ривожини таъминловчи буюк кучни ахлоқий омиллар шакллантиради. Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Бугунги нотинч ва таҳликали замонда ёшларнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган турли хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётганини барчангиз яхши биласиз. Уларга қарши курашишда халқимизнинг бой тарихи ва маданияти, буюк аجدодларимиз жасорати, жонажон Ўзбекистонимизнинг миллий манфаатлари биз учун куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади”<sup>9</sup>, – деган эди. Юртбошимизнинг фикрларига асосланиб, айтиш мумкинки:

Ёшлар ижтимоий-демографик куч сифатида давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб, уларнинг жисмоний ва маънавий камолотига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда;

ёшлар келажагимизни таъминлайдиган буюк куч сифатида жамиятни модернизация ва ислоҳ қилишда марказий ўринда туришлари, бунда уларнинг қобилият ва имкониятлари етакчи омил бўлиб, ушбу жиҳатларни шакллантириб ривожлантириш бугунги зиёлиларимиз зиммасидаги асосий вазифа эканлигини чуқур ҳис этишимиз лозим;

ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда ёшларнинг билими, қатъиятлилиги, иродаси, ахлоқий хусусиятлари муҳим бўлиб, ушбу жиҳатларга эътибор бериш керак;

бунинг учун ёшлар орасида анъанавий-тарихий кадриятларимиз тарғибини йўлга қўйиш, уларда миллий ўзликни англаш ҳиссини ривожлантириш лозимки, булар Ватан ва халқ келажаги учун бефарқ

<sup>8</sup> Туленова Г. Маънавиятли ёшлар – мамлакат келажағи // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2005. № 2. – Б. 33.

<sup>9</sup> Мирзиёев Ш.М. Нияти улўғ халқнинг иши ҳам улўғ, ҳаёти ёруғ ва келажағи фаровон бўлади. Том 3. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 386-387.

бўлмаслик хислатларини юксалтириш муҳимлигини билдирувчи омиллардир.

Ёшлар фаолиятида самарали натижаларини таъминлаш учун қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратмоқ лозим:

“Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи” ҳамда ёшлар ташаббуслари марказларининг фаолиятларини янада жонлантириб, республика ёшларининг ягона миллий ахборот базасини ташкил этиш лозимки, ёшлар ахлоқининг ривожига ушбу омил етакчи мавқе касб этади;

илмий фаолият билан шугулланувчи иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш учун турфа инновацион грантлар билан таъминлаш, ишлаб чиқаришда банд бўлган ёшларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш, ёш фермер, тадбиркор, ишбилармон ва касаначиларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш;

ўқувчи ва талаба ёшлар орасида мустақил дарсларда ҳамда ёшларнинг бўш вақтларида ахлоқий қирраларни тарғиб этувчи визуал воситалардан (фильмлар, таҳлилий кўрсатувлар ва ҳ.к.) кўпроқ фойдаланиш;

ёшларда ахлоқий кадриятларни ривожлантириш мақсадида ўқув муассасалари, корхона, ташкилотлар ва ишлаб чиқариш соҳалари ходимлари орасида Республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган спорт мусобақалари, бадий кўргазмалар, мамлакатимизнинг сўлим гўшалари ва диққатга сазовор жойларига, миллий ўзликни уйғотиб, фахр-ифтихор ҳиссини ривожлантирувчи тарихий обидаларга ташрифлар уюштириш;

“Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи” ташаббускорлиги ва Республика ташқи ишлар вазирлиги ҳомийлигида хорижий давлатлар элчихоналари, маданият марказлари ва тил ўргатиш марказлари билан ёшлар ўртасида турли маданий тадбирлар ўтказиш;

ёшларнинг воқеа ва ҳодисаларга конкрет ёндашувини ҳисобга олиб, уларнинг жамиятдаги реал жараёнларга муносабатларини аниқлаш мақсадида турли мавзуларда социологик сўровлар ўтказиб, натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш ва ҳ.к.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантиришга таъсир этувчи асосий омиллар**» деб номланган.

Ёшлар орасида тарихий-маънавий кадриятларимиз намуналари, унда аждодларимизнинг Ватан ҳимояси йўлида қилган қаҳрамонликларини тарғиб этиш, ёшларда миллий гурурнинг уйғонишини таъминлашда зарурий аҳамиятга эга. Биз яшаб турган даврда ёшларнинг таълим-тарбияси, хусусан, улар тафаккурида ёт ғояларга қарши иммунитетни ривожлантириш келажакдаги миллий-маънавий тараққиётимиз учун ҳам муҳимдир. Шу сабабли жамиятда ижтимоий тараққиёт ривожига ҳисса қўшиб, миллатимиз тақдирини ўйлаб, тарих олдидаги маъсулиятимизни чуқур ҳис қилган ҳолда ўтмишимизга диққат-эътибор билан назар ташлаб, маънавий-маданий меросимизни, асрлар мобайнида яратилган ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, маънавий кадриятларимизнинг ижобий намуналарини қайта тиклаш – ёшларимиз олдида турган бугунги куннинг долзарб муаммолари

сифатида муҳим. Ёшлар онгида миллий ўзликни англаш жараёнининг ривожини таъминлаш, улар тафаккурида моддий ва маънавий кадриятларга муҳаббат ҳиссини сингдириш стратегик мақсаддир. Зеро, ушбу жиҳатлар ёшлар тафаккурида гоёвий иммунитетнинг ривожига муҳим омил бўлиб ҳисобланадики, бунда тарбиявий омилларнинг ўрни аҳамиятли. “Таълим-тарбия, фан, маданият ва маданий-маърифий муасасалар, адабиёт ва санъат, дин, жисмоний тарбия ва спорт, урф-одат, маросим ва байрамлар, оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари орқали миллий истиқлол гоёсини кенг жамоатчилик онгига етказиш... асосий мақсаддир”<sup>9</sup>. Ҳақиқатан, миллий кадриятларимиз намуналари орқали ёшлар орасида миллий гоёни тарғиб этиш гоёвий иммунитетнинг ривожига етакчи омилдир.

Маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда миллий гоёнинг таркибий қисми бўлган меросимиз намуналарига ҳам эътибор қаратиб, уларда жамият ахлоқининг ривожига хизмат қилувчи жиҳатларни ёшларимиз онгига сингдира бориш бугунги барқарорликнинг устувор моҳият касб этишида ҳам муҳим. Маълумки, юртимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, халқимизнинг кўп минг йиллик маънавий ва маърифий меросини ўрганишга кенг шароитлар яратилди. Ана шундай шароитларнинг ҳосиласи сифатида жамият аъзоларида, айниқса, ёшларда ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат, халқимизга садоқат ҳислари кучайиб, ушбу жиҳатлар ёшларнинг дунёқарашида устувор моҳият касб этаётганлиги қувонарлидир.

Ўзликни англаш инсон ижтимоий-ахлоқий фаолиятида сезиларли ўрин тутиб, шахс ва жамиятнинг маънавий-руҳий камолотида, фуқаролик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ва моддий-маънавий асосларини мустаҳкамлашда зарурдир. Ўзликни англаш инсонни шахс даражасига кўтариб, ахлоқий камолот сари йўналтирувчи руҳий қувватдирки, бугунги кунда ушбу жиҳатларни ёшлар онги ва қалбига сингдириш зарурий омилдир. “Ёшларнинг интеллектуал-руҳий камолоти уларнинг маънавий ўз-ўзини англаш жараёнлари билан бевосита боғлиқ. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида ёшлар характерида ижтимоий идеалларнинг сусайиб кетишига йўл қўймаслик муҳимдир”<sup>10</sup>. Ҳақиқатан ҳам ўзликни англаш ёшларнинг руҳий-ахлоқий баркамоллигини таъминловчи омилдир.

Миллий-маънавий тараққиётда ўзликни англаш муҳим аҳамият касб этиб, жамият ривожини таъминлайди. Ўзликни англаш туфайли ёшлар тарихий кадриятларга, жаҳон давлатчилиги тарихий тараққиётида ўз миллатининг тутган ўрни ва мавқеи каби масалаларга теран муносабатда бўлиб, миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишга интилади.

Ўзликни англаш ва ахлоқ ўзаро алоқадорликда бўлган тушунчалар сифатида бир-бирини тўлдириб келади. Ўзликни англаш ахлоқий

<sup>9</sup> Миллий истиқлол гоёси ва раҳбар фаолияти. – Тошкент: Академия, 2007. – Б. 5.

<sup>10</sup> Социология: Маърузалар матни. Масъул муҳаррир: В.М.Каримова. – Тошкент, 2000. – Б. 99.

мукамалликни таъминлаш учун хизмат қилса, ўз навбатда, шахс характерли хусусиятидаги ахлоқий қирралар унинг ўзлигини англаб, миллат келажаги учун бефарқ бўлмаслик ҳисларини юклайди. Шу тариқа шахс ўзлигини англаши трансформациялашиб, миллий ўзликни англаш даражасига кўтарилади. Ўзлигини англаб, миллий давлатчилигига содиқ фуқаро сифатида унинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётига ҳисса қўшиш, этномаданий анъаналарни халқ орасида тарғиб қилиб янгича яшаш ва янгича меҳнатга жалб этиш – бу табиий равишда жамият тараққиётига, жумладан, миллий давлатчилик ривожига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллардир.

Ёшларда миллий ўзликни англашнинг муҳим хусусиятлари бўлган Ватанга садоқат, халққа муҳаббат, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, ёшлар онгида ватанпарварлик ҳиссининг қай даражада эканлигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги ижтимоий-маънавий янгиланишлар шароитида давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг имконият ва салоҳиятларини рўёбга чиқариш учун кенг миқёсдаги давлат дастурлари ишлаб чиқилганлиги мамлакатимиз миқёсида ушбу ижтимоий қатламга алоҳида эътибор берилаётганлигидан далолат бўлиб, зиёлилар зиммасига қатор вазифаларни юклайди.

Жумладан, ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти мавжуд муаммолар ечимига берилаётган эътибор билан ўлчанади. Муаммо барча жамиятларга хосдир. Зиёлиларнинг зиммасида ана шу мавжуд муаммоларнинг ҳар бир даврга хос бўлган ечимини топиш масъулияти ётади. Бугунги ижтимоий тараққиёт шароитида ҳам ёшларга хос бўлган долзарб муаммоларни аниқлаб, уларнинг ечими йўлида таклиф ва тавсияларни илгари суриш муҳимдир:

1. Жамиятда ёшларнинг ўрни ва уларга хос муаммоларни ўрганиш социологиянинг ўрганиш объектларидан бири сифатида ҳам олимларимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиши лозимлиги масъулиятини ҳам елкамизга юклайдики, ушбу жиҳатлар ҳуқуқий-демократик давлат қуриш жараёнлари жадал кечаётган бугунги кунда реал аҳамият касб этади;

2. Давлатимиз раҳбари томонидан эътибор қаратилаётганидек, ёшларимизга хос бўлган муаммолар жамоатчилигимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлмоғи лозим. Амалий социология жамоатчилик фикрига таянар экан, демак, ёшларга хос бўлган муаммолар кўламини аниқлаб, конкрет ечимларни кўрсатиш миллий фанимизнинг олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Ёшлар социологиясини ўрганишда уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, мавқеи, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки ва ҳ.к. назарий жиҳатлар билан бир қаторда назарий қарашларни мустаҳкамлаш учун эмпирик материалларга асосланадики, ушбу жиҳат жамият қаърида кечаётган реал ҳодисаларнинг аниқ манзарасини яратишда муҳим аҳамият касб этади.



Чунки “... жамоатчилик фикри-фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу”<sup>11</sup>.

Давлатнинг мунтазам равишда олиб бораётган демократик ва одилона ёшлар сиёсати жамият аъзоларининг фуқаролик ўзлигини англаш жараёни орқали жипслашишга, барча миллатларга хос ёшларнинг маданий-тил муаммоларининг ҳал этилишига, фуқаровий тотувликнинг амалга ошишига ёрдам беради.

Учинчи боб “**Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантиришнинг йўналишлари ва уларнинг ижтимоий аҳамияти**” деб номланган.

Мустақилликни қўлга киритган дастлабки кундан бошлаб, мамлакат раҳбарининг ҳаракат ва талаблари асосида “Беш муҳим ташаббус” доирасида республика миқёсида ёшлар комплекслари ва спорт иншоотлари қурилиб, ёшларнинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш учун барча шароитлар яратиш долзарб вазифа сифатида эътироф этилди.

Ёшларнинг маънавий ва жисмоний етуқлигини таъминлаш масалалари давлатимизнинг Асосий Қонунида ҳам акс этиб, жамият аъзоларининг, жумладан, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари қонун асосида кафолатланганлиги қувонарлидир. Асосий Қонунимизнинг тўққизинчи боб 41-моддасида “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади”<sup>12</sup>, – деб белгилаб қўйилганлиги демократик тараққиёт шароитида давлатнинг ёшларга бўлган доимий гамхўрлигидан далолатдир.

Миллий мустақиллигимизни ва тараққиёт сари юз бураётган фуқаролик жамияти асосларига таянган миллий давлатчилигимизни янада мустаҳкамлаш учун табиийки, умумий барқарорликка асосланган ижтимоий-сиёсий жараёнларда, яъни давлат ва ҳокимиятни бошқариш ишларида ёшларнинг иштирокини таъминлаш зарурий аҳамиятга эгадир.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятининг ривожланиши учун шароит яратиш ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқлари таъминланишини кафолатлаш муҳим омиллардан бири сифатида Асосий Қонунимизда эътироф этилиши демократик тараққиёт шароитида ёшлар ахлоқий қиёфасини мукамаллаштиришга қаратилган қонуний фаолият сифатида муҳимдир.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида ёшлар ахлоқидаги ўзгаришларни таъминлашда уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки етакчи мавқега эга. Айниқса, ёшларни сиёсий партияларга жалб эта бориш уларнинг сиёсий фаоллигини таъминлаши билан бир қаторда маънавий-ахлоқий етуқликларида ҳам муҳимдир. Ўзбекистонда ўтказилиб келинаётган сиёсий ислохотлар – икки палатали, яъни сенат ва қонун чиқарувчи палатадан иборат парламент фаолиятини такомиллаштириш экан, бунда ҳам ёшлар

